



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxanova Dildora Sharipxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

|                                                                                                                                                                                                  |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b><br>ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ<br>ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ<br>ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....   | 5   |
| <b>2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li</b><br>O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY<br>MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....                                      | 34  |
| <b>3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович</b><br>ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА<br>ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....                                                           | 41  |
| <b>4. Азизов Иқболжон Гулямович</b><br>ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК<br>ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....                                   | 50  |
| <b>5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли</b><br>ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ<br>ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....                                           | 58  |
| <b>6. Алтиев Раззоқ Саидович</b><br>ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА<br>БОСҚИЧЛАРИ.....                                                                            | 67  |
| <b>7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович</b><br>МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА<br>ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....                             | 79  |
| <b>8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li</b><br>JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING<br>HUQUQIY TAHLILI.....                                                       | 88  |
| <b>9. Кахаров Фируз Елмуратович</b><br>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР<br>ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....                                              | 98  |
| <b>10. Salaev Nodirbek Saparbaevich</b><br>TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW<br>PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY<br>POLICY..... | 106 |
| <b>11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович</b><br>ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ<br>ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....                                          | 115 |
| <b>12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich</b><br>KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI:<br>KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....                                       | 124 |



## 12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО. СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

**Зулунов Махсудбек Махаммаджонович,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Миграция агентлигининг Истанбул шаҳридаги вакиллиги бош мутахассиси  
E-mail: zmakhsudbek@mail.ru

### ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

**For citation:** Zulunov Makhsudbek Makhammadjonovich. CIVIL-LAW REGIME OF FOUNDATION PROPERTY: THEORETICAL FOUNDATIONS AND LEGAL NATURE. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938716>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фондлар мулканинг фуқаролик-ҳуқуқий режими, унинг назарий асослари ва ҳуқуқий табиати комплекс тарзда таҳлил қилинади. Фонд мулки тушунчасининг фуқаролик ҳуқуқи тизимидаги ўрни, унинг юридик шахс мулки сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмлари ҳамда фонд мулкидан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегаралари ёритилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Германия, Буюк Британия, Россия ва Қозоғистон каби давлатлар тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий усулда таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида фонд мулканинг ҳуқуқий режимини такомиллаштиришга доир назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

**Калит сўзлар:** фонд, мулк ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, юридик шахс, нотижорат ташкилоти, мақсадли мулк, фидуциар мажбурият, корпоратив бошқарув.

**Зулунов Махсудбек Махаммаджонович,**  
Главный специалист Представительства Миграционного агентства  
при Кабинете Министров Республики Узбекистан в городе Стамбул  
E-mail: zmakhsudbek@mail.ru

### ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ РЕЖИМ ИМУЩЕСТВА ФОНДОВ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАВОВАЯ ПРИРОДА

#### АННОТАЦИЯ

В настоящей статье проводится комплексный анализ гражданско-правового режима имущества фондов, его теоретических основ и правовой природы. Раскрывается место понятия «имущество фонда» в системе гражданского права, его специфические особенности как имущества юридического лица, механизмы реализации права собственности, а также правовые пределы использования имущества фонда. Проведён сравнительно-правовой анализ действующего законодательства Республики Узбекистан и опыта Германии, Великобритании,

России и Казахстана. По итогам исследования сформулированы теоретические и практические предложения по совершенствованию правового режима имущества фондов.

**Ключевые слова:** фонд, право собственности, гражданское право, юридическое лицо, некоммерческая организация, целевое имущество, фидуциарная обязанность, корпоративное управление.

**Zulunov Makhsudbek Makhammadjonovich,**

Chief Specialist of the Representative Office of the Migration Agency  
under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in Istanbul

E-mail: zmakhsudbek@mail.ru

## CIVIL-LAW REGIME OF FOUNDATION PROPERTY: THEORETICAL FOUNDATIONS AND LEGAL NATURE

### ANNOTATION

This article presents a comprehensive analysis of the civil-law regime governing foundation property, its theoretical foundations and legal nature. It examines the place of the concept of "foundation property" within the civil-law system, its distinctive features as the property of a legal entity, the mechanisms for exercising ownership rights, and the legal limits on the use of foundation assets. A comparative legal analysis of the current legislation of the Republic of Uzbekistan and the experience of Germany, the United Kingdom, Russia and Kazakhstan is conducted. Based on the findings, theoretical and practical proposals for improving the legal regime of foundation property are formulated.

**Keywords:** foundation, ownership right, civil law, legal entity, non-profit organization, dedicated (target) property, fiduciary duty, corporate governance.

Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларнинг мулкӣ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фондлар ижтимоий, хайрия, маданий, илмий, таълим ва бошқа умумфойдали мақсадларни амалга оширувчи нотижорат юридик шахслар сифатида жамият ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади [2]. Улар фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, фонд мулкнинг ҳуқуқий мақоми, уни шакллантириш, сақлаш, бошқариш ва ундан мақсадли фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари қай даражада мукаммал тартибга солинганига боғлиқ.

Фонднинг асосий хусусияти шундаки, у муайян таъсисчилар манфаатларини эмас, балки уставда белгиланган ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилади. Шу боис фонд мулкнинг ҳуқуқий режими тижорат ташкилотлари мулкидан ҳам, айрим бошқа нотижорат ташкилотлари мулкидан ҳам фарқ қилади. Фонд тасарруфидаги мол-мулк хусусий манфаатларни эмас, балки белгиланган ижтимоий вазифаларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Бу эса мазкур мулкка нисбатан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос ёндашувларини талаб қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, хайрия фаолиятини рағбатлантириш ҳамда фондлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда фонд мулкнинг ҳуқуқий режимида оид айрим масалалар назарий ва амалий жиҳатдан етарлича аниқлаштирилмаган. Юридик адабиётларда юридик шахс мулкнинг мустақиллиги масаласи кенг ёритилган бўлса-да [6; 7], айнан фонд мулкнинг мақсадли ҳуқуқий режими алоҳида комплекс тадқиқот предмети сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Жумладан, фонд мулкнинг ҳуқуқий табиати, уни бошқариш ваколатларининг чегаралари, мулкдан мақсадли фойдаланиш устидан назорат механизмлари ҳамда

таъсисчиларнинг мулкӣ ҳуқуқлари билан боғлиқ қатор масалалар илмӣ муҳокамани талаб этади.

Мазкур ҳолатлар фондлар мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ режимини комплекс ўрганиш, миллий қонунчиликни ривожланган давлатлар таҷрибаси ва замонавий фуқаролик ҳуқуқи доктринаси асосида таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган илмӣ таклифларни ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Ушбу мақоланинг мақсади фондлар мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ режимига оид назарий қарашларни таҳлил қилиш, унинг ҳуқуқӣ табиатини очиб бериш, миллий ва хорижий ҳуқуқӣ таҷрибани қиёсий ўрганиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмӣ асосланган таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи мулкӣ муносабатларнинг асосий институти ҳисобланади. Юридик шахслар мулки эса уларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида мустақил иштирок этишини таъминловчи муҳим ҳуқуқӣ омилдир [6]. Шу нуқтаи назардан фонд мулки ҳам юридик шахснинг мустақил мулки сифатида эътироф этилади, бироқ унинг ҳуқуқӣ табиати бошқа юридик шахслар мулкидан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади.

Фонд нотижорат ташкилоти сифатида муайян ижтимоӣ, маданий, илмӣ, таълим, хайрия ёки бошқа умумфойдали мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилади. Шу сабабли фонд тасарруфидаги мол-мулк хусусий иқтисодий манфаатларни таъминлаш воситаси эмас, балки уставда белгиланган мақсадларга эришишнинг ҳуқуқӣ ва иқтисодий асосини ташкил этади. Демак, фонд мулкнинг ҳуқуқӣ режими унинг мақсадли хусусияти билан белгиланади.

Фонд таъсис этилган пайтдан бошлаб таъсисчилар томонидан берилган мол-мулк фонднинг мустақил мулкига айланади. Ушбу мулкка нисбатан таъсисчиларнинг мулк ҳуқуқи сақланиб қолмайди. Улар мазкур мол-мулкни қайтариб талаб қилиш, уни тақсимлаш ёки ундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳолат фонднинг юридик шахс сифатидаги мулкӣ мустақиллигини таъминлайди ҳамда уни бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шакллардан ажратиб туради.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида юридик шахс мулкнинг ҳуқуқӣ табиатини тушунтиришга нисбатан турли ёндашувлар шаклланган. Континентал ҳуқуқ тизимида юридик шахс мулки юридик шахснинг ўзига тегишли мустақил мулк сифатида баҳоланса, англо-саксон ҳуқуқида хайрия фондлари мулки "мақсад учун ажратилган мулк" (property dedicated to a charitable purpose) сифатида тавсифланади [8; 9]. Ҳар икки ёндашувнинг умумий жиҳати шундаки, фонд мулки муайян шахслар манфаатини эмас, балки ҳуқуқӣ жиҳатдан белгиланган мақсадларни таъминлаш учун хизмат қилади.

Фонд мулкнинг ҳуқуқӣ табиатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур мулкка нисбатан эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатлари мавжуд бўлса-да, улар мутлақ хусусиятга эга эмас. Фонд бошқарув органлари ушбу ваколатларни амалга оширишда қонунчилик, устав ва фонднинг мақсадларидан четга чиқмаслиги шарт. Бу ҳолат фонд мулки ҳуқуқӣ режимининг муҳим ўзига хос белгиси ҳисобланади.

Бундан ташқари, фонд мулкнинг шаклланиш манбалари ҳам унинг ҳуқуқӣ табиатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фонд мулки таъсисчиларнинг бадаллари, хайриялар, грантлар, ҳомийлик маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда бошқа қонуний манбалар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин [5]. Бироқ ушбу маблағларнинг барчаси фонд уставида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун сарфланиши лозим.

Муаллифнинг фикрича, фонд мулкнинг ҳуқуқӣ табиатини фақат мулк ҳуқуқи категорияси орқали изоҳлаш етарли эмас. Юридик адабиётда мавжуд бўлган "персонификациялашган (мақсадли) мулк" назариясига таянган ҳолда [1], фонд мулкни "мақсадли ҳуқуқӣ режимга эга мустақил мулкӣ комплекс" сифатида баҳолаш илмӣ жиҳатдан асослироқ ҳисобланади. Чунки фонднинг барча мол-мулки муайян ижтимоӣ вазифани бажаришга ҳуқуқӣ жиҳатдан боғланган бўлиб, ушбу мақсаддан четга чиқиш фонд фаолиятининг моҳиятига зид ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, фонд мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий режими икки ўзаро боғлиқ элементдан ташкил топади: биринчиси — юридик шахснинг мулк ҳуқуқини амалга ошириш ваколатлари, иккинчиси эса мазкур ваколатларнинг фонднинг устав мақсадлари билан чекланганлигидир. Айнан ушбу икки омил фонд мулкни бошқа юридик шахслар мулкидан фарқловчи асосий ҳуқуқий мезон сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли уларнинг мулкӣ муносабатлари мазмуни, мол-мулкни шакллантириш манбалари, ундан фойдаланиш тартиби ҳамда иштирокчиларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Шу нуқтаи назардан фонд мулкнинг ҳуқуқӣ режими тижорат ташкилотлари ҳамда айрим нотижорат ташкилотлари мулкӣ режими билан ўхшаш жиҳатларга эга бўлса-да, унинг ўзига хос ҳуқуқӣ хусусиятлари мавжуд.

Энг аввало, фонднинг таъсисчилари фонд ташкил этилгандан сўнг унинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолмайди. Улар таъсис пайтида киритган мол-мулк фонднинг мустақил мулкига айланади. Шу билан бирга, таъсисчилар фонд фаолияти тугатилган тақдирда ҳам ушбу мулкни қайтариб олиш ёки унинг бир қисmini талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу хусусият фондни масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва ишлаб чиқариш кооперативи каби корпоратив юридик шахслардан тубдан фарқлайди.

Тижорат ташкилотларида иштирокчиларнинг асосий иқтисодий манфаати фойда олиш ва уни тақсимлаш билан боғлиқ. Фондларда эса бундай мақсад мавжуд эмас. Фонд томонидан олинган даромадлар ёки бошқа мулкӣ тушумлар таъсисчилар, бошқарув органлари аъзолари ёки бошқа шахслар ўртасида тақсимланмайди, балки уставда белгиланган мақсадларни амалга оширишга йўналтирилади. Мазкур қоида фонд мулки ҳуқуқӣ режимидаги энг муҳим принциплардан бири ҳисобланади.

Фондларни бошқа нотижорат ташкилотлари билан қиёсий таҳлил қилиш ҳам муайян ҳуқуқӣ фарқларни аниқлаш имконини беради. Масалан, жамоат бирлашмаларида аъзолик институти мавжуд бўлиб, ташкилот фаолияти унинг аъзолари иродаси билан чамбарчас боғлиқ. Фондларда эса аъзолик мавжуд эмас [4; 5]. Шу боис фонд мулки муайян шахслар уюшмаси манфаатлари учун эмас, балки ҳуқуқӣ жиҳатдан белгиланган ижтимоий мақсадларга хизмат қилади.

Муассасалар мулкӣ режими билан таққослаганда ҳам муҳим фарқлар кузатилади. Муассасанинг мол-мулки, одатда, мулкдор томонидан бириктирилган бўлади ва муассаса ушбу мол-мулкка нисбатан қонунчиликда белгиланган доирада ҳуқуқларни амалга оширади. Фонд эса ўз мол-мулкнинг мустақил мулкдори ҳисобланади [3]. Бу унинг иқтисодий мустақиллигини ва фуқаролик муомаласида мустақил иштирокини таъминлайди.

Фонд мулкнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг мақсадли йўналтирилганлигидир. Агар тижорат ташкилотларида мулк асосан иқтисодий самарадорликка эришиш воситаси бўлса, фондларда мулк ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу сабабли фонднинг ҳар қандай мулкӣ операцияси унинг устав мақсадларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ушбу хусусиятларни тасдиқлайди. Германия ҳуқуқида (Германия Фуқаролик кодексининг 80–88-параграфлари) фонд мулки "мақсадли мулк" сифатида муҳофаза қилинади [8]. Англия ва АҚШ ҳуқуқида эса хайрия фондлари активлари фидуциар бошқарув принциплари асосида бошқарилади ва бошқарувчилар (trustees) зиммасига юқори даражадаги ҳалоллик, эҳтиёткорлик ҳамда мақсадга содиқлик мажбуриятлари юклатилади [9]. Бу тажриба фонд мулкидан самарали ва шаффоф фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қонунчилигида фонд мулкнинг мустақиллиги ва мақсадли фойдаланилишига оид асосий қоидалар белгиланган бўлса-да, фонд активларини бошқариш стандартлари, бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятлари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва фонд активларини инвестиция қилиш тартибига оид нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Муаллифнинг фикрича, фонд мулкнинг ҳуқуқий режимини такомиллаштиришда уни корпоратив мулк модели асосида эмас, балки "мақсадли мулкӣ фонд" концепцияси асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув фонд активларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиради, таъсисчилар ва бошқарув органлари ваколатларининг аниқ чегараларини белгилайди ҳамда хайрия ва ижтимоӣ аҳамиятга эга фаолиятга бўлган жамоат ишончини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида фондларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мол-мулкни шакллантириш, бошқариш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [2], Фуқаролик кодексининг 75-моддаси [3], "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун [4] ҳамда "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун [5] киради.

Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, фонд мустақил юридик шахс сифатида ўзининг алоҳида мол-мулкига эга бўлади ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб беради. Таъсисчилар эса фонднинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, худди шунингдек фонд ҳам таъсисчиларнинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди [3]. Мазкур қоида юридик шахснинг мулкӣ мустақиллиги принципининг амалий ифодаси ҳисобланади.

"Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, фонд аъзоликка эга бўлмаган нотижорат ташкилоти ҳисобланади ва у жисмонӣ ҳамда юридик шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ бадаллари асосида ташкил этилади [5]. Бу ҳолат фонд мулкнинг корпоратив эмас, балки мақсадли ҳуқуқий режимга эга эканлигини англатади. Қонунчиликда фонднинг асосий вазифаси хайрия, ижтимоӣ, маданий, таълим ёки бошқа ижтимоӣ фойдали мақсадларни амалга ошириш деб белгиланган [4].

Шу билан бирга, амалдаги ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор илмӣ ва амалий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, қонунчиликда «фонд мулкнинг ҳуқуқий режими» тушунчасига легал таъриф берилмаган. Амалда фонднинг мулк ҳуқуқига оид нормалар турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда жойлашган бўлиб, улар ягона концептуал ёндашувни шакллантирмайди. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинларга сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, фонд бошқарув органларининг мулкни бошқаришдаги фидуциар (ишончли бошқарувга хос) мажбуриятлари етарли даражада тартибга солилмаган. Ривожланган давлатлар қонунчилигида бошқарув органлари активларни эҳтиёткорлик, ҳалоллик ва мақсадга мувофиқлик принциплари асосида бошқариши шартлиги алоҳида белгиланади [9]. Миллий қонунчиликда эса мазкур принциплар умумӣ кўринишда ифодаланиб, уларнинг ҳуқуқий мазмуни тўлиқ очиб берилмаган.

Учинчидан, фонд активларини инвестиция қилиш, вақтинча бўш маблағлардан фойдаланиш ва инвестиция таваккалчилигини бошқариш бўйича аниқ ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Натижада айрим фондлар активларининг иқтисодӣ самарадорлиги пасайиши ёки маблағлардан оқилona фойдаланилмаслиги хавфи юзага келиши мумкин.

Тўртинчидан, фонд мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назорати ва очиқлик механизмлари ҳам янада ривожлантиришни талаб қилади. Айниқса, хайрия маблағлари ва грантлар ҳисобидан шаклланган активлар бўйича йиллик ҳисоботларнинг очиқлиги, молиявий ҳисобдорлик ва мустақил аудит талабларини такомиллаштириш фондлар фаолиятига бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

Муаллифнинг фикрича, ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- фонд мулкнинг ҳуқуқий режими тушунчасини қонун даражасида мустаҳкамлаш;
- фонд бошқарув органлари учун фидуциар мажбуриятларни алоҳида ҳуқуқий институт сифатида белгилаш;

- фонд активларини инвестиция қилишнинг ҳуқуқий чегаралари ва рухсат этилган молиявий инструментларини аниқ белгилаш;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича махсус нормаларни жорий этиш;
- жамоат фондлари учун корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини ва молиявий шаффофлик механизмларини қонунчиликда мустаҳкамлаш.

Мазкур тақлифларнинг амалга оширилиши фонд мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиради, уни бошқариш самарадорлигини оширади ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг барқарор ривожланишига ҳуқуқий асос яратади.

Фондлар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши турли давлатларда ҳуқуқий тизим, фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси ҳамда тарихий анъаналарга қараб фарқ қилади. Бироқ ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фонд мулкнинг ҳуқуқий режими барча ҳолатларда икки асосий принципга таянади: фонд мулкнинг мустақиллиги ва ундан фақат таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадлар йўлида фойдаланиш.

Германия ҳуқуқида фонд (Stiftung) алоҳида мақсадга бағишланган мустақил юридик шахс сифатида эътироф этилади ва Германия Фуқаролик кодексининг 80–88-параграфлари билан тартибга солинади [8]. 2023 йил 1 июлдан кучга кирган фонд ҳуқуқини модернизация қилиш тўғрисидаги қонун (Stiftungsrechtsmodernisierungsgesetz) фонд активларини шакллантириш ва сақлашга оид нормаларни бирхиллаштирди [8]. Фонд таъсис этилганидан кейин таъсисчи унинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотади. Фонд бошқарув органлари ушбу мол-мулкни фақат таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадларга мувофиқ бошқариши мумкин.

Буюк Британияда 2011 йилги Хайрия тўғрисидаги қонун (Charities Act 2011) хайрия трастлари ва фондлари фаолиятини тартибга солади [9]. Ушбу қонунга кўра, фонд бошқарувчилари (trustees) хайрия манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш, активларни эҳтиёткорлик билан бошқариш ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик каби фидуциар мажбуриятларга риоя қилиши шарт [9]. Мулк муайян шахсларга эмас, балки аниқ ижтимоий мақсадга бағишланган актив сифатида қаралади.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 123.17–123.20-моддаларига мувофиқ, фонд аъзоликка эга бўлмаган унитар нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, таъсисчилар томонидан берилган мол-мулк фонднинг мустақил мулкига айланади ва таъсисчилар унга нисбатан мулк ҳуқуқларни сақлаб қолмайди [10]. Фонд мол-мулкдан фақат уставда белгиланган мақсадлар учун фойдаланиши ва йиллик ҳисоботларни эълон қилиши шарт [10].

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасида ҳам фонд мустақил юридик шахс сифатида тан олинди, унинг мулки таъсисчилар мулкидан ажратилган ҳолда алоҳида тартибга солинади [11]. Бироқ фонд активларини бошқариш, инвестиция қилиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва бошқарув органларининг жавобгарлиги масалаларига доир ҳуқуқий механизмлар Россия ва Қозоғистонда ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда [10; 11]. Бу тенденция фондлар фаолияти устидан ҳуқуқий назоратни кучайтиришга қаратилганлигини кўрсатади.

Қиёсий таҳлил натижалари Ўзбекистон қонунчилиги учун бир нечта муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

Биринчидан, миллий қонунчиликда фонд мулкнинг мақсадли ҳуқуқий режими тушунчасини алоҳида ҳуқуқий категория сифатида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, фонд бошқарув органлари учун фидуциар мажбуриятлар, хусусан, ҳалоллик (duty of loyalty), эҳтиёткорлик (duty of care) ва мақсадга содиқлик (duty of obedience) принципларини қонунчиликда аниқ белгилаш зарур [9].

Учинчидан, хайрия ва жамоат фондлари учун халқаро молиявий ҳисобдорлик стандартлари ҳамда мустақил ташқи аудит механизмларини кенгроқ жорий этиш фондлар фаолиятининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, фонд активларини инвестиция қилиш тартибини алоҳида ҳуқуқий институт сифатида тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Бунда инвестиция сиёсати,

таваккалчиликни бошқариш, активларни диверсификация қилиш ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш принциплари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши лозим.

Муаллифнинг фикрича, хорижий давлатлар тажрибасини тўлиқ кўчириш эмас, балки уни миллий ҳуқуқ тизими хусусиятлари, Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси ва миллий ҳуқуқий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда имплементация қилиш мақсадга мувофиқ. Фақат шундай ёндашувгина фонд мулкнинг ҳуқуқий режимини замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўтказилган назарий, норматив-ҳуқуқий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар асосида қуйидаги илмий ҳулосалар шакллантирилди.

Биринчи, фонд мулкнинг ҳуқуқий режимини фақат юридик шахс мулки институти доирасида эмас, балки «мақсадли мулкний комплекс» сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ [1]. Бундай ёндашув фонд активларининг ҳуқуқий моҳиятини тўлароқ очиб беради ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегараларини аниқ белгилаш имконини яратади.

Иккинчи, амалдаги қонунчиликда «фонд мулкнинг ҳуқуқий режими» тушунчасининг легал таърифи мавжуд эмас. Шу муносабат билан «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунга ушбу тушунчани киритиш ва уни қуйидагича ифодалаш таклиф этилади:

«Фонд мулкнинг ҳуқуқий режими — фонд тасарруфидаги мол-мулкни шакллантириш, бошқариш, сақлаш, тасарруф этиш ва ундан фақат уставда белгиланган мақсадлар йўлида фойдаланишга оид ҳуқуқий нормалар ҳамда чекловлар мажмуидир.»

Учинчи, фонд бошқарув органлари учун фидуциар мажбуриятларни қонун даражасида мустаҳкамлаш зарур [9]. Хусусан, бошқарув органлари аъзолари:

- ҳалоллик принципига;
- эҳтиёткорлик принципига;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мажбуриятига;
- фонд мақсадларига содиқлик принципига риоя қилиши лозим.

Бу нормалар бошқарув қарорлари сифатини ошириш ва фонд активларини самарали муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Тўртинчи, фонд активларини инвестиция қилишга оид махсус ҳуқуқий тартиб ишлаб чиқиши лозим. Унда инвестиция қилиш мумкин бўлган активлар турлари, таваккалчилик даражаси, диверсификация талаблари ҳамда инвестиция сиёсатида доир умумий мезонлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчи, фондларнинг молиявий шаффофлигини ошириш мақсадида қонунчиликда қуйидаги талабларни босқичма-босқич жорий этиш таклиф этилади:

- йиллик молиявий ҳисоботларни электрон шаклда эълон қилиш;
- белгиланган мезонлардан юқори активларга эга фондлар учун мустақил ташқи аудитни мажбурий этиб белгилаш;
- грантлар ва хайрия маблағларидан фойдаланиш юзасидан очиқ ҳисобот бериш тартибини жорий қилиш.

Олтинчи, фонд тугатилганда қолган мол-мулкнинг тақдирини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада аниқлаштириш зарур. Хусусан, бундай мулк имкони қадар ўхшаш мақсадларга эга бошқа нотижорат ташкилотларига ёки жамоат манфаатларига хизмат қилувчи дастурларга йўналтирилиши қонунчиликда аниқ ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Еттинчи, рақамлаштириш жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда фонд активларини бошқаришнинг электрон тизимларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, электрон хайрия платформалари ва рақамли активларни қабул қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича махсус нормалар ишлаб чиқиш зарур.

Юқоридаги таклифларнинг амалга оширилиши фонд мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиради, бошқарув самарадорлигини оширади, фондлар фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлайди ҳамда Ўзбекистонда нотижорат секторини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фондлар мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий режимини такомиллаштириш мақсадида амалдаги қонунчиликка қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилади.

**Биринчидан**, амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур тушунчанинг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Бу ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунга қуйидаги мазмунда янги модда киритиш таклиф этилади:

«Фонд мулкнинг ҳуқуқий режими — фондга тегишли мол-мулкни шакллантириш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда ушбу мол-мулкдан фақат фонднинг уставида белгиланган мақсадларга мувофиқ фойдаланилишини таъминловчи ҳуқуқий нормалар тизимидир.»

**Иккинчидаг**, Фонд бошқарув органлари аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган моддага қуйидаги қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- фонд манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш;
- эҳтиёткор ва оқилона бошқарув стандартларига риоя қилиш;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- фонд активларидан фақат устав мақсадлари доирасида фойдаланиш.

**Учинчидан**, қонунчиликда фондларнинг вақтинча бўш маблағларини инвестиция қилиш бўйича умумий ҳуқуқий қоидаларни киритиш лозим. Ушбу қоидалар қуйидагиларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

- инвестицияларнинг хавф даражаси;
- активларни диверсификация қилиш;
- ликвидлик талаблари;
- инвестиция қарорлари юзасидан кузатув кенгашининг назорати.

Тўртинчидан, рақамли иқтисодиёт ривожланаётган шароитда фондлар томонидан электрон хайриялар, рақамли активлар ва электрон платформалар орқали жалб қилинган маблағларни ҳисобга олиш ва бошқариш тартибини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда фондлар фаолиятининг асосий ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, фонд мулкнинг ҳуқуқий режими ҳали ҳам мустақил ҳуқуқий институт сифатида тўлиқ шаклланмаган. Фонд мулкни "мақсадли мулкнинг комплекси" сифатида баҳолашга асосланган назарий ёндашув, хорижий давлатларнинг (Германия, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон) қиёсий тажрибаси ҳамда амалдаги қонунчиликнинг таҳлили фонд мулкнинг ҳуқуқий режимини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни шакллантириш имконини бери.

Шу боис мазкур соҳада ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, бошқарув органларининг масъулиятини кучайтириш, молиявий шаффофликни ошириш ва фонд активларини бошқаришнинг замонавий ҳуқуқий механизмларини жорий этиш фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозим.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) — Германия Фуқаролик кодекси, 80–88-параграфлар (Stiftungsrecht), 2023 йил 1 июлдан кучга кирган таҳрирда. — Gesetze im Internet. — URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_bgb/](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_bgb/) (Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) — German Civil Code, Paragraphs 80-88 (Stiftungsrecht), as amended on 1 July 2023. — Get them on the Internet. - URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_bgb](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_bgb))
2. Charities Act 2011 (England and Wales). — UK Public General Acts, 2011 c. 25. — URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2011/25> (Charities Act 2011 (England and Wales). — UK Public General Acts, 2011 p. 25. - URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2011/25>)
3. Гражданский кодекс Республики Казахстан (Общая часть) от 27 декабря 1994 года, ст. 107 «Фонд». — URL: <https://adilet.zan.kz> (Civil Code of the Republic of Kazakhstan (General Part) dated December 27, 1994, Article 107 "Fund." — URL: <https://adilet.zan.kz>)

4. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая) от 30.11.1994 № 51-ФЗ, ст. 123.17–123.20. — URL: <https://www.consultant.ru> (Code of the Russian Federation (part one) dated 30.11.1994 No 51-FZ, articles 123.17–123.20. - URL: <https://www.consultant.ru>)
5. Rahmonqulov X.R., Oqyulov O.O. (тахр.). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. — Тошкент: Vektor-Press, 2010. (Rakhmonkulov Kh.R., Oqyulov O.O. (ed.). Commentary on the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 1. - Тошкент: ЎЗМУ, 2017.)
6. Суханов Е.А. Проблемы кодификации корпоративного и вещного права: Избранные труды 2013–2017 гг. — Москва: Статут, 2018. (Sukhanov E.A. Problems of codification of corporate and substantive law: Selected works 2013-2017. - Moscow: Statut, 2018)
7. Хушбоқова Н. Юридик шахслар — фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида // Talqin va tadqiqotlar. — 2023. — № 1(23). (Khushbakova N. Legal entities as subjects of civil law // Interpretation and research. - 2023. 1 (23). No)
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент, 2023 йилги таҳрир. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2023 edition.)
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм), 1995 йил 21 декабрь, 75-модда «Жамоат фондлари». — Ҳуқуқий ахборот миллий базаси. — URL: <https://lex.uz/docs/-111189> (Civil Code of the Republic of Uzbekistan (part one), December 21, 1995, Article 75 "Public funds." National Database of Legal Information. - URL: <https://lex.uz/docs/-111189>)
10. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил 29 август, 527-II-сон. — Ҳуқуқий ахборот миллий базаси. — URL: <https://lex.uz/docs/-42231> (Law of the Republic of Uzbekistan "On Public Funds," August 29, 2003, No. 527-II. National Database of Legal Information. - URL: <https://lex.uz/docs/-42231>)
11. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14 апрель, 763-I-сон. — Ҳуқуқий ахборот миллий базаси. — URL: <https://lex.uz/docs/-11360> (Law of the Republic of Uzbekistan "On Non-Governmental Non-Profit Organizations," April 14, 1999, No. 763-I. National Database of Legal Information. - URL: <https://lex.uz/docs/-11360>)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

## Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

## Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

## Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.